O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ANDIJON
TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI
170100, Andijon sh, Navoiy shoh ko'chasi 41

АНДИЖАНСКИЙ
МЕЖРАЙОННЫЙ
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ СУД
РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
170100, г.Андижан, улица Навоий шох, 41

Тел: (74) 223-60-64, факс: 223-60-37, Веб-сайт: www. sud.uz, эл.почта: i.andijon.t@sud.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

18.03.2022 йил **Андижон шаҳри** **4-1701-2202/447-сонли иш**

Андижон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ж.К.Мамитов раислигида, судья ёрдамчиси А.Ҳалимжоновнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар - Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг "Дддддддддддддддддд" акциядорлик жамияти манфаатида жавобгар – "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан етказиб берилган электр энергияси учун 23 526 280,82 сўм қарз ва суд харажатларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни даъвогар жамият вакили [redacted](ишончнома асосида)нинг иштирокида (жавобгар вакили иштирок этмади) Андижон туманлараро иқтисодий судининг 2-суд мажлислари залида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

даъвогар - Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси "Дддддддддддддддддд" АЖ манфаатида Андижон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар – "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ"масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан етказиб берилган электр энергияси учун 23 526 280,82 сўм қарз ва суд харажатларини ундиришни сўраган.

Даъвогар – Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси даъво аризада иқтисодий ишни палата вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган бўлиб, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлиги инобатга олиб, иқтисодий ишни палата вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Даъвогар жамият вакили суд муҳокамасидаги ўз кўрсатмасида – даъвони қўллаб-қувватлаб, Дддддддддддддддддд" акциядорлик жамияти "Андижон туман электр таъминоти корхонаси" ва жавобгар - "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамияти ўртасида 120500 - сонли электр энергияси етказиб бериш шартномаси тузилганлиги, мазкур шартномага асосан даъвогар томонидан электр энергияси етказиб берилганлиги, жавобгар томонидан етказиб берилган электр энергияси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида 23 526 280,82 сўм муддати ўтган қарздорлик вужудга келганлиги, мазкур қарздорликни ундириш мақсадида юборилган талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилиб келинаётганлиги сабабли жами 23 526 280,82 сўм муддати ўтган қарзни ундириш

Ҳужжат имзоланган: Мамитов Жамолиддин Каримжонович, 18.04.2022

мақсадида иқтисодий судга даъво аризаси киритилганлигини билдириб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлиб, жавобгар суд муҳокамасида иштирок этмади ва даъво аризаси бўйича эътирозларини билдирмади.

Мазкур ҳолатда, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасига кўра иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлигини инобатга олиб, жавобгар вакили иштирокисиз иқтисодий ишни кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишдаги мавжуд ва тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, тарафларнинг кўрсатмаларини тинглаб, қуйидагиларга кўра даъво аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Хусусан, ишдаги мавжуд ҳамда тақдим этилган ҳужжатларга кўра, Дддддддддддддддддд” акциядорлик жамияти “Олтинкўл туман электр таъминоти корхонаси” ва жавобгар - “ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 120500 - сонли электр энергияси етказиб бериш шартномаси тузилган бўлиб, мазкур шартномага асосан даъвогар томонидан электр энергияси етказиб берилган.

Жавобгар томонидан етказиб берилган электр энергияси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида 23 526 280,82 сўм муддати ўтган қарздорлик вужудга келган бўлиб, мазкур қарздорликни ундириш мақсадида юборилган талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилиб келинаётганлиги сабабли жами 23 526 280,82 сўм қарзни ундириш мақсадида иқтисодий судга даъво аризаси киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур Кодекснинг 468-моддасига кўра, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Даъвогар томонидан етказиб берилган ва ҳақи тўланмаган электр энергиясидан жавобгарнинг жами 23 526 280,82 сўм муддати ўтган қарздорлиги мавжуд.

Суд даъвогарнинг асосий қарз бўйича даъво талабини асосли деб топиб, қаноатлантирган ҳолда жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 23 526 280,82 сўм муддати ўтган қарздорликни ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда, мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ҳужжат имзоланган: Мамитов Жамолиддин Каримжонович, 18.04.2022

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси, 1-қисми, 2-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари - палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан иқтисодий судларда давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиниб, даъво аризаси олдиндан давлат божи тўловисиз иш юритувга олинган.

Баён этилганларга асосан, суд низо бевосита жавобгарнинг айби билан юзага келганлигини инобатга олиб, суд харажатларини жавобгардан ундиришни лозим топади.

Бинобарин, юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 170, 176, 177-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и:

даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар - “ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан:

даъвогар - “Дддддддддддддддддд” акциядорлик жамияти фойдасига жами 23 526 280,82 сўм муддати ўтган қарз ва 21 600 сўм почта харажати;

Республикаси бюджети, суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 470 525,62 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон бир ой муддатда Андижон вилоят судига апелляция шикояти, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи,
судья **Ж.К.Мамитов**

Ҳужжат имзоланган: Мамитов Жамолиддин Каримжонович, 18.04.2022